ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.B.91.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАНИЯЗОВА МАПРУЗА КДЫРБАЕВНА

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЧИДАМЛИЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ИНДУКТОРЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ВА БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

02.00.10 –Биоорганик кимё

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Гулистон-2020

УЎК: 58.01/07:632.7+577.15

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Алланиязова Мапруза Кдырбаевна
Ўсимликларнинг чидамлилигини оширувчи индукторларнинг кимёвий ва биологик хусусиятлари…….. 4

Алланиязова Мапруза Кдырбаевна
Химико-биологические особенности индукторов устойчивости растений……. 28

Allaniyazova Mapruza Kdirbaevna
Chemical and biological characteristics of plant resilience inductors…… 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..…... 59

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.B.91.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАНИЯЗОВА МАПРУЗА КДЫРБАЕВНА

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЧИДАМЛИЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ИНДУКТОРЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ВА БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

02.00.10 –Биоорганик кимё

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Гулистон-2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/B124 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қоракалпок давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.biochem.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Қўшиев Ҳабибжон Ҳожибобоевич**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Цеомашко Наталья Евгеньевна
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Абдуллаева Муборак Махсумовна
биология фанлари доктори, профессор

Абдуллажанова Нодира Гуломжановна
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи муассаса: Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги DSc.03/05.06.2020.B.91.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «7» декабр соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 120100, Гулистон шаҳри, 4 кичик туман. Тел.: (67) 225-24-90, факс: (99867) 225-40-42).

Диссертация билан Гулистон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 120100, Гулистон шаҳри, 4 кичик туман. Тел.: (67) 225-24-90, факс: (99867) 225-40-42, e-mail guldu@edu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «04» ноябр да тарқатилди.
(2020 йил «04» ноябр даги 1 рақамли реестр баённомаси).

З.Тилябаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, б.ф.д, профессор

З.У.Абдикулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., доцент

Н.Хашимова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлиги ва маҳсулотлари сифатини оширишнинг энг муҳим йўлларидан бири ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишдир. Патогенларга қарши кимёвий препаратлар билан бирга ўсимликларни чидамлилик кўсаткичларини оширувчи табиий физиологик фаолликка эга бўлган стимуляторлардан ҳам фойдаланиш экологияни зарарланишини олдини олиш билан бирга инсон учун ҳаётий хавфсиз бўлган ўсимликлар маҳсулотларини яратиш имкониятини беради. Шунга кўра ўсимликларнинг ташқи омилларга чидамлилигини оширишда индукторлардан, шу жумладан, элиситор фаолликка эга антидотлардан фойдаланиш, ўсимликларнинг адаптацион имкониятларини ошириш, атроф-муҳитнинг пестицидлар билан ифлосланиш даражасини камайтириш, экологик тоза маҳсулотлар олишни таъминлаш ва уларнинг таннархини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг йирик тадқиқот марказларида бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини ошириш билан боғлиқ ҳолда фитопатогенлар таъсирига нисбатан ўсимликларнинг иммун тизими фаоллигини ошириш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра ўсимликлар иммунитетининг молекуляр-генетик асослари, биологик фаол бирикмалар ёрдамида иммун тизимини кучайтириш ва бошқариш ҳисобига уларни патогенларга нисбатан чидамлиликнинг механизмлари аниқланган. Шунга кўра замбуруғли патогенлар билан зарарланган ўсимликларнинг иммун тизими ҳолатини баҳолаш, чидамлиликни белгиловчи молекуляр структураларини аниқлаш, ҳимоя воситаларининг генетик потенциалини фаоллаштириш, табиий бирикмалар асосли препаратларни қўллаш асосида ўсимликлар чидамлилигини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарур.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда ўсимликларни стресс омилларга чидамлилигини нанотехнологик усуллар ёрдамида ошириш бўйича инновацион ютуқларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши ва ташқи стресс омилларга таъсирини молекуляр генетик усуллар асосида бошқариш борасида натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини

амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»[1] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг замбуруғли фитопатогенларга нисбатан чидамлилигини табиий физиологик фаол моддалар ёрдамида ошириш билан боғлиқ ҳолда янги авлод препаратларини яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»[2] тўғрисидаги Фармони, 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари»[3] тўғрисидаги ва 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари»[4] тўғрисидаги Қарорларии ва ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи[5]: Табиий бирикмалар асосида ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини авжлантирувчи ҳамда ташқи стресс омиллар таъсирига чидамлилигини оширувчи индукторлар яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, В.Ф.Купревич номидаги Белоруссия Миллий фанлар Академиясининг «Экспериментал ботаника» институти, Россия фанлар академиясининг «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» институти (ВИЗР), Россия ФАнинг Қозон биокимё ва биофизика институти, Германиянинг Chito Plant

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари»[3] тўғрисидаги Қарори

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари»[4] тўғрисидаги Қарори

[5] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар қуйидаги манбалар асосида бажарилди: http://botany.by/; http://vizrspb.ru/; http://kibb.knc.ru/l; https://www.uea.ac.uk/; https://umich.edu/; http://www.chemistry.or.jp/en; http://dmpe.aut.ac.ir; http://www.chemistry.iitkgp.ac.in; http://www.just.edu.jo; http://www.niuif.ru; https://spb.ucheba.ru; https:// www.ionx.uz ва бошқа манбалар

илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида, Италиянинг Biochit, Испаниянинг «Plant Response Biotech» компанияларида, Хитой ва жанубий Кореянинг ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий марказларида, Мичиган университети (АҚШ), М.Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университетида (Казахстан), Aslan Çimento AŞ (Турция), Gambarotta Gsvendt (Италия), ЎзР ФАнинг Биоорганик кимё ва Ўсимлик моддалар кимёси институтларида олиб борилмоқда.

Дунёда табиий бирикмалар асосида ўсимликларни чидамлилигини ошириш хусусиятига эга бўлган препаратлар яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: замбуруғли касалликларга чидамилигини ошириш хусусиятига эга бўлган индукторлар аниқланган (Белоруссия Фанлар Академияси); замбуруғли, бактериал ва вирусли ҳамда илдиз чириши касаллигига чидамлилигини ошириш хусусиятига эга бўлган хитозан асосли Нарцисс ва Экогель препаратлари яратилган (Россия Фанлар Академиясининг Ўсимликшунослик (ВИЗИР) ва Қозон биокимё ва биофизика институтлари); гликозид табиатли табиий бирикмалар асосида илдиз чириш касалликларига чидамли препаратлар олинган (*Chito Plant,* Германия; *Biochit,* Италия ва *«Plant Response Biotech»,* Испания); илдиз чириш ва батериал касалликларга чидамлилигини ошириш хусусиятига эга бўлган стероид табиатли бирикмалар асосида препаратлар яратилган (Хитой, Жанубий Корея, АҚШ); глицирризин кислотаси асосида буғдой ва пахтанинг ривожланишини авжлантирувчи ва абиотик омилларга чидамлилигин оширувчи стимуляторлар олинган (Ўзбекитон ФАнинг Биоорганик кимё ва Ўсимлик моддалар кимёси институтлари).

Дунёда ўсимликларни патогенларга чидамлилигини оширишда аҳамиятли бўлган табиий бирикмалар асосли препаратлар яратиш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: табиий бирикмалар асосида ўсимликларнинг замбуруғли касалликларига қарши самарали таъсир этувчи препаратлар яратиш; ўсимликларни касаллик ва физиологик стресс стрессларга чидамлилигини оширувчи экологик хавфсиз индукторлар яратиш; ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини авжлантириш ҳамда замбуруғли касалликларга чидамлилигини ошириш хусусиятига эга бўлган препаратлар яратиш ва ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги вақтларда манбалардан олинган маълумотлардан маълумки, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишининг ташқи омиллари, шунингдек физиологик фаол моддалар ёрдамида уларнинг таъсирини бошқариш бўйича тегишли хулосалар қурғоқчилик ерларда қишлоқ хўжалигини тадқиқ қилиш Халқаро маркази (ICARDA), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ

хўжалиги ташкилоти (FAO) олимлари, шунингдек, Glastron, Sergey Shabala, Leonard ва Szabo, Takeuchi, Hirai, Kamuro, Kondo, Д.Н.Долимов, А.А.Ахунов, М.Б.Гафуров, Н.Хошимовалар тадқиқотлар олиб боришган.

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, сув алмашинуви, фотосинтез ва нафас олиш, ҳосилдорлик, патоген ва ташқи экстремал омилларга қарши чидамлилик каби ўсимликларнинг физиологик хусусиятларига стероид гликозидларнинг таъсири ўрганилган; стероид табиатли табиий бирикмалар асосида ўсимликларнинг биотик ва абиотик омилларга чидамлилик хусусиятларининг ортиши аниқланган, ушбу яратилган препаратлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб (Н.Л.Радюкина, Ф.М.Шакирова, П.К.Кинтя, А.Г.Жакотэ Г.В.Шишкану, Г.А.Карпова).

Шунинг билан бирга олиб борилган тадқиқотларда гликозидли препаратларнинг айрим қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланиши, замбуруғли касалликларга чидамлилигини оширишдаги физиологик фаоллиги ўрганилиши билан бирга ҳар хил тупроқ-иқлим шароитида ҳосилдорлиги ҳамда ҳосили сифатига ижобий таъсир этиш хусусиятларини ўрганиш асосида таркибида табиий бирикмалар тутган янги авлод препаратларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Ф.М.Шакирова, Sergey Shabala, Д.Н.Далимов, А.А.Ахунов, Ҳ.Ҳ.Қўшиев).

Олиб борилган тадқиқотлар асосида тегишли натижалар олиниб, айрим табиий бирикмалар таъсирининг ўзига хос хусусиятлари бўйича хулосалар чиқарилган бўлса ҳам, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига оид табиий ва синтетик физиологик фаол моддалар қийматини аниқлаш билан боғлиқ масалалар ҳалигача ҳал этилмаган. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига табиий бирикмалар ва уларнинг комплексларининг таъсири етарли даражада ўрганилмаган. Шунга асосланиб ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига табиий бирикмалар ва уларнинг супрамолекуляр комплексларининг таъсирини аниқлаш билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошириш илмий-амалий жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Қорақалпоқ давлат университети илмий тадқиқот режасининг ПЗ-2017092765 «Ширинмия илдизпоясидан ажратилган глицирризин кислотаси асосида буғдойнинг ўсишини мувофиқлаштирувчи, фунгицидлик хусусиятга эга бўлган препарат яратиш ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий-илмий лойиҳа (2018-2020) ва “Органик ва ноорганик кимё” кафедрасининг “Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига самарали таъсир кўрсатадиган препаратлар яратиш ва уларнинг маҳсулотлари сифатини ошириш” мавзуларидаги илмий тадқиқот ишлри доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. ўсимликларни 2,4-Д гербицид ва буғдойнинг занг замбуруғи, септариозга чидамлилиги ҳамда дони маҳсулдорлигини ошириш хусусиятига эга бўлган индукторларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғўза ва кузги буғдойнинг уруғлик сифатини, унувчанлик ва ривожланишида ташқи омил ҳамда 2,4-Д гербицидга чидамлилигини оширувчи ГКнинг фитогормонлар билан супрамолекуляр, микроэлементлар билан комплекслари ҳамда антидотлик хусусиятига эга бўлган халконэпоксидларни олиш ва физиологик-биокимёвий хусусиятларини ўрганиш;

ГКнинг супрамолекуляр ва микроэлементли комплекслари ҳамда халконэпоксидларни 2,4-Д гербицидни кузги буғдойга нисбатан заҳарлилик даражасини пасайтирувчи ва ўсиши ва ривожланишини авжлантирувчи хусусиятларини баҳолаш;

ГКнинг микроэлементли комплекслари ва халконэпоксидларни кузги буғдойнинг септориозга чидамлилик кўрсаткичларини ошириш хусусиятларини аниқлаш;

ТГК, ГК комплекслари ва халконэпоксидларни кузги юмшоқ буғдой ниҳолларида лигнин ҳосил қилувчи оралиқ метаболитлар ҳосил бўлиш миқдорига таъсирини аниқлаш;

ТГК, ГК комплекслари ва халконэпоксидларни кузги юмшоқ буғдой ривожланиши ва маҳсулдорлигига 2,4-Д гербицидининг заҳарлилик кўрсаткичини пасайтиришга таъсирини асослаш;

кузги юмшоқ буғдойнинг ҳосилдорлиги ва дони сифатига гербицид 2,4-Д нинг таъсир даражасини пасайтирувчи кузги буғдой донининг ҳосилдорлиги ва сифатига заҳарли таъсирини пасайтиришда ТГК, ГК комплекслари ва халконэпоксидлардан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш ва ушбу усулнинг иқтисодий самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот объекти сифатида ширинмия ўсимлигининг илдизпоясидан олинган ТГК, ГК, фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК, кинетин), халконэпоксидлар, буғдой ва пахта навлари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети. 2,4-Д гербицид антидотлари бўлган ГК, ТГК нинг супрамолекуляр (фитогормонлар) ва микроэлементли (CuproGK) комплекслари, халконэпоксидларнинг ғўза ва кузги юмшоқ буғдой дони сифати, ўсиш-ривожланишига таъсирининг физиологик ва биокимёвий хусусиятларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришга тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида биокимё, биоорганик кимё, ўсимликлар физиологиясининг умум қабул қилинган тадқиқот методлари, ўсимликлар биотехнологияси, молекуляр-биологик (экстракция, чўктириш, ажратиш, гель-электрофорез, ДНК ажратиш, ПЗР) усулларидан фойдаланилган. Тадқиқот натижалари кўрсаткичлари «STATISTICA» ва «EXCEL» дастурлари ёрдамида ҳисобланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор синтез қилинган халконэпоксидлар ва уларнинг ҳосилаларини ғўза ҳамда буғдойнинг 2,4-Д гербицид ва фитопатогенларга нисбатан чидамлилигини ошириш хусусиятлари аниқланган;

глицирризин кислотасининг фитогормонлар билан супрамолекуляр (Glinbut, Glinnats), микроэлементлар билан (CuproGK) комплексларини буғдойга комплекс таъсири асосида занг замбуруғига қарши синергетик самарадорликлари исботланган;

CuproGK ва халконэпоксидларнинг ўсимликларда элиситорлик, 2,4-Д гуруҳ гербицидларига нисбатан антидотлик фаоллиги ҳамда буғдой ниҳолларининг септориозга нисбатан чидамлилик даражасини оширишии аниқланган;

глицирризин кислотасининг фитогормонлар билан супрамолекуляр, микроэлементлар билан CuproTechGK, CuproGK комплекслари ҳамда Халконэпоксид ҳосилалари таъсирида ўсимликларда АБК ва ИУК эндоген фитогормонлар миқдорининг ортиши аниқланган;

халконэпоксидларни кузги буғдойнинг биоген ва абиоген стресс омилларга чидамлилигини ошириши дала шароитида исботланган ва ишлаб чиқаришда қўллаш усуллари ишлаб чиқилган;

CuproGK, халконэпоксидлар оқсил миқдори ва буғдой ниҳолларининг септориозга чидамлилигини оширувчи лигнин ҳосил қилувчи фенолкарбон кислоталарнинг миқдорий кўрсаткичини ошириши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кузги юмшоқ буғдойни септориоз билан зарарланишга чидамлилигини ошириш хусусиятига эга бўлган CuproGK ва Халконэпоксидлар комплекслари асосли препаратлар яратилган;

кузги буғдой уруғларининг экиш сифатларини яхшилаш ва кўчатларнинг замбуруғли касалликларга чидамлилигини ошириш мақсадида уруғни экиш олдидан ишлов бериш учун CuproGK препаратининг сувли эритмасидан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган;

CuproGK ва Халконэпоксид препаратлар комплексидан 2,4-Д гуруҳ гербицидлари билан бирга фойдаланиш натижасида кузги юмшоқ буғдой баргларидаги гербицидларнинг парчаланиши, дон маҳсулдорлиги ортиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги автоматик тизимлар ва замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги билан тасдиқланади, улар тажриба натижаларини қайд этиш, тўплаш ва қайта ишлаш, таҳлил қилиш имконини беради. Тадқиқотга оид хулосалар замонавий математик-статистика усулларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди, олинган натижалар Стьюдент *t*-тамойили ёрдамида ўртача қиймат ишончли интервалининг оралиқ қийматларини ҳисоблаш орқали статистик қайта ишланди. Олинган натижаларни тасдиқлаш учун мутахассислар томонидан амалиётда тадқиқот натижалари текшириб

кўрилди, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинди, илмий нашрларда чоп этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўсимликларнинг абиотик ва биотик стресс омиллар ва гербицидларга (2,4-Д гуруҳ гербициди) физиологик ва биокимёвий чидамлилигини ошириш билан боғлиқ ҳолда яратилган комплексларнинг таъсиринатижалари, ушбу соҳада янги авлод препаратларини яратилиши ва таъсир механизмини ўрганишда илмий асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти буғдой ва ғўзанинг ташқи стресс омилларга чидамлилиги ва ҳосилдорлигини оширишда табиий бирикмалар асосида яратилган препаратлардан фойдаланиш иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ГК комплекслари, халконэпоксидлар ва уларнинг биологик фаолликлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

CuproGK ва халконэпоксид препаратлари Қорақалпоғистон Республикасининг Деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг ғалла майдонида буғдойни замбуруғли касалликлардан ҳимоя қилишда жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 01/07-2307-сон маълумотномаси). Натижада, буғдойнинг замбуруғли касалликларга нисбатан чидамллиги ортиши билан бирга ҳосилдорлигини гектарига 7,5–8,0 ва 6,5–7,5 центрга ошириш имконини берган;

глицирризин кислотасининг индолил мой кислотаси асосида яратилган Glinbut, мис микроэлементи асосида яратилган CuproGK препаратлари С-А-2018-004 рақамли “Анор (*Punica granatum* L.)нинг биотехнологик коллекциясини яратиш ва патогенсиз кўчатларини олиш технологиясини йўлга қўйиш” мавзусидаги лойиҳада анорни *in vitro* шароитида микроклонлаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 89-03-4203-сон маълумотномаси). Натижада, CuproGK препаратлари таъсирида in vitro шароитида анорнинг патогенсиз кўчатларини олиш, Glinbut таъсирида эса анорнинг каллус тўқимасида вегетатив таналарни ривожлантириш имконини берган;

ширинмия илдизидан глицирризин кислотасини ажаратиш технологияси А-М3-2019-41 рақамли “Шўрланган тупроқларда илдиз тизимининг маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш учун ширинмия ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳада ширинмия илдиз тизимини қайта ишлаш асосида техник глицирризин кислота олиш ҳамда глицирризин кислота ажратиб олиш ва илдизида глицрризин кислота миқдорини баҳолашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 89-03-4342-сон маълумотномаси).

Натижада, глицирризин кислота миқдорини аниқлаш ва мониторинг тизимини йўлга қўйиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари жами 25та, шу жумладан 9 та халқаро ва 16 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг асосий натижалари 43 та илмий иш, жумладан, 15 та мақола ОАК томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган ва 1 та патент талабномсида ўз аксини топган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 4 та боб ва хулоса, ишлаб чиқаришга тавсиялар, фойдаланилган адабий манбалар, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 170 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифи келтирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши тўғрисидаги маълумотлар, нашр қилинган ишлар сони ва диссертациянинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўсимликларни стресс омилларга нисбатан индуцирланган чидамлилиги”** номли биринчи бобида адабиётларда берилган маълумотлар асосида ўсимликларни ташқи стресс омилларга нисбатан индуцирланган чидамлилиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Элиситорлар деб аталадиган турли хил биоген ва абиогенли моддалардан, чидамлилик индукторларидан, ҳимоя реакцияларини фаоллаштирадиган фаоллаштирувчилар ёки иммуномодуляторлардан фойдаланишга асосланган кимёвий иммунизация бўйича адабиётларда келтирилган маълумотлар умумлаштирилди. Эҳтимол, ҳимояловчи механизмлар кўп қатламли бўлиши мумкин, улар бир бирини такрорлайди, тирик организмлар комплексининг эволюцияси жараёнида мураккаблашиб боради. Бу туғма кўптурли ҳимоялаш тизимлари эволюция жараёнида сақланиб қолган ва патогенлар, фитофаглар ҳамда протеин бўлмаган компонентлар ёки оддий ноорганик ва органик моддалар таъсирида фаоллашиши ва кучайиши мумкин.

Ҳимоя билан боғлиқ компонентлар тузилишининг турли туманлиги ва мураккаблиги билан фарқланади. Ўсимликларнинг чидамлилиги ошганда ўсиш ва ривожланишни бошқаришдаги элисаторлар роли муҳокама қилинган. Шу билан бирга элисаторлар қаторининг фитотоксиклиги кўринишида ифодаланадиган чидамлиликни оширишнинг биологик “баҳоси” тўғрисидаги масала муҳокама қилинган. Индуцирланган чидамлилик

биологик реакция бўлганлиги сабабли у агрономик қийматга эга бўлган негатив таъсирларни минимумга етказиш селекцион стратегияси билан тасдиқланиши лозим. Унинг самарадорлигини ошириш имкониятлари бўлиши керак, лекин бунда экинларнинг турли навлари ва ёввойи уруғдошлари орасида индуцирловчи таъсирга нисбатан жавоб реакцияларининг тебранишлари даражасини аниқлаш шарт.

Диссертациянинг **"Ўсимлик касалликларига чидамлилик индукторларининг синтези, физик-кимёвий хоссалари ва биологик хусусиятларини ўрганиш усуллари"** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва усуллари тўғрисида мулоҳазалар баён этилган. Фитогормонлар ва глицирризин кислотасини кинетин, мой кислотаси индолил, сирка кислотаси нафтили, сирка кислотаси индолили каби фитогормонлар билан синтез қилинган супрамолекуляр комплексларининг; 21-бензил-окси-3,4-пропилендиокси халконэпоксидлар, 3-(1,4-бензоди-оксан-6-ил)-7-метоксихромон, 21-OR халконлар ва 21-OR халконэпоксидларнинг тузилиши ва функциялари, стресс-омилар таъсирига нисбатан ўсимликларнинг чидамлилик механизми шаклланишининг аҳамияти, ўсимликлар стресс-омилларининг таъсирига нисбатан чидамлилик механизмлари шаклланишида табиий ва синтетик комплексларнинг аҳамияти, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсири тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган.

Шунингдек, индолил мой кислотасини 3-O-(2-O-β-D-глюкуронопирано-зил)-β -D-глюкуронопиранозид-3- β -гидрокси-11-оксо-12-ЕН-18 β -Н,20 β -олеан-30- кислотасининг моноаммоний тузининг супрамолекуляр комплексларини олиш бўйича натижалар келтирилган. Комплекс олиш учун мой кислотаси индолилига (МКИ) 3-O-(2-O-β-D-глюкуроно-пиранозил)-β-D-глюкуронопиранозид-3-β-гидрокси-11-оксо-12-ен-18β-Н, 20β-олеан-30- кислотаси моноаммоний тузи таъсир эттирилади (Glinbut):



Комплекснинг спектридан кўриниб турибдики, ГК ва ИМК спектрларига нисбатан сигналларнинг силжиши кузатилмайди (1-расм).

1-расмда ГКни β-индолил-3-сирка кислота (ИУК) билан 4:1 нисбатдаги супрамолекуляр комплексининг ИК-Фурье спектрлари акс этган. Тажрибаларда ГК:ИУК (1:4) супрамолекуляр комплекснинг ИК-Фурье спектрларининг қуйидаги тавсифлари келтирилган. Шунингдек, ГК:ИУК

(1:4) супрамолекуляр комплексининг ИК-Фурье спектрларида бир қатор валент соҳаларнинг биринчи агентларнинг кўрсаткичларига нисбатан силжиши кузатилган. ГК:ИУК (1:4) супрамолекуляр комплекснинг ОН гуруҳига тегишли бўлган 3243 $см^{-1}$ соҳадаги валент тебранишларининг ютилиш чизиқлари кузатилади, бу вазият водородли тўпламлар ҳосил бўлишидан далолат беради. ГК:ИУК (1:4) супрамолекуляр комплекс таркибида С-О-С ва С-ОН гуруҳларнинг 1031 $см^{-1}$ соҳадаги ютилиш соҳалари интенсив чўққилар кўринишидадир. Бунда ГК карбоксил гуруҳларининг С=О ютилиш соҳаси ўзгармайди.

1-расм. ГК:β-индолил-3-сирка кислота (ИСК) супрамолекуляр комплексининг ИК-Фурье спектрлари.

Халконэпоксидларнинг 2^1- бензилокси -3,4-пропелендиокслари синтез қилинган. Халконларни изофлавонларга айлантириш усулларидан бири бор уч фтор эфири таъсирида юзага келадиган халкон эпоксидларининг қайта гуруҳланишидир.

2^1-бензилоксихалконнинг дастлабки бензодиокселан аналоглари 7-формил бензодиоксепан-1.5 билан 2-бензилоксицетофенонларнинг ишқорий конденсатланиши натижасида осон ҳосил бўлади. Бу қайта гуруҳланиш учун зарур бўлган халконэпоксидлар одатда ишқорий муҳитда 2^1-бензилоксихалконларнинг водород пероксид иштирокида оксидланиши ёрдамида олинган.



Халконлар I аг ни ишқорий муҳитда водород пероксид билан ўзаро таъсирлашиши натижасида эпоксидлар II а-г яхши унум билан ҳосил бўлади. Халконларнинг бензодиоксепанли аналоглари I а-г сариқ ёки сарғиш рангли кристалл моддалардир.

Органик эритувчиларда яхши эрувчан моддаларнинг суюқланиш ҳароратлари юқори бўлади. Эпоксидлар II а-г дастлабки халконлардан фарқли равишда I а-г моддалар рангсиз кристалл моддалардир.

I а-г халконларнинг ПМР спектрларида кимёвий силжишлари 7,0-8,0 м.д. соҳада ётган олефин протонларининг характеристик сигналларидир. КССВ (J=15,8 16,1 Гц) қийматлари олинган халконларнинг трандсой конфигурацияси тўғрисида гувоҳлик беради. II-а я эпоксидларнинг ПМР спектрларида оксиран циклининг метин протонларининг чўққилари характерли сигналлар ҳисобланади, улар катта бўлмаган КССВ (J=1,76 1,83Гц) дублетлардир. Чўққилардан бири 4,24-4,26 м.д. да, иккинчиси 4,30-4,35 м.д.да жойлашган. Эпоксидларни II а-г учфтор мавжуд бўлган эфирати таъсирида қайта гуруҳланиши натижасида яхши унум билан изофлавонлар III а-г нинг 1.5 бензодиоксепан аналоглари олинган. Изофлавон III а-г ПМР спектрларида энг кучсиз майдонда хромон циклининг 2-Н ва 5-Н протонлари ютади, уларга пиран халқасининг атомлари дезэкранловчи таъсир кўрсатади.

1-жадвал

2^1 - бензилокси 3,4–пропилендиоксихалконларнинг ПМР спектрларидаги кимёвий силжишлари

Бирикмалар	**Спектр ПМР, б.м.д(Ж.Г тс)**									
	Фенолли қисми протонлари						**Бензодиоксепан халқаси протонлари**			
	-2-0- -CH_2- -C_6H_5-	R_1	R_2	R_3	6-Н	COCH=CH d.d(15-16)	6-Н	8-Н	9-Н	O-$(CH_2)_3$O T.KV
I а	5.16-7.35	7.5-6.9 M	7.5-6.9 M	7.5-6.9	7.70	28-7.6	7.5-6.9	7.5-6.9	6.86d (8.0)	4.24; 2.21
I в	5.12 7.35	6.8;7.7 M	6.8:7.4 M	------	6.8-7.4 M	7.16 ;7.56	6.8-7.4 M	6.8-7.4 M	6.8-7.4 M	4.24;
I г	5.13 7.34	6.50d (2.5)	3.86	--- 6.57 d.d (9.0; 2.5)	7.85d (9.0)	7.23 ; 7.53	6.86	7.05	6.86	2.22 4.234; 2.2

2^1-бензилоксихолконэпоксидларнинг II а,г гидразин-гидрат билан таъсирлашуви оксиран халқанинг очилиши ва пиразолин халқанинг ҳосил бўлиши билан боради. Эпоксидларни II а,г гидразингидрат билан бироз

қиздирилиши натижасида оксиран халқасининг очилиши ва 4-гидрокси-пиразолин IV а,г халқасининг ҳосил бўлиши билан намоён бўлади.

Диссертациянинг “Биологик фаол моддалар ўсимликлар касалликка чидамлилиги ва ўсишининг бошқарувчи индукторлари сифатида” деб номланган учинчи бобида буғдой кўчатларида чидамлилик индукторлари сифатида ГК комплексларидан фитопатогенларни бошқаришда фойдаланиш бўйича масалалар ўрганилган.

Олинган комплексларнинг лаборатория шароитларида замбуруғ касалликларига қарши ўсиш-стимулловчи ва фунгицид фаоллигини аниқлаш, уларнинг хусусиятларини чуқур ўрганишга қизиқиш уйғотди. Шунга кўра олиб борилган тадқиқотлар давомида препаратларни тадқиқотларга жалб қилинган буғдой навларида физиологик хусусиятлари ўрганилди. Бунда CuproGK таъсирида Чиллаки ва Дўстлик навларида сариқ занг билан касалланиш мос равишда 5% ва 15% га камайган. Таня ва Восторг навларида касалланиш 0 ва 10% ни ташкил этди.

2-жадвал

Кузги буғдойнинг инфицирланган уруғларини экиш сифатларига препаратларнинг таъсири

Тажриба варианти	Униб чиқиши, %	узунлиги, мм		Кўчат массаси, мг	
		Ниш уриши	илдизи	Ниш уриши	илдизи
Назорат (сув)	60	20	17	4,0	2,0
CuproGK	80	28	27	4,5	2,9
CuproTechGK	100	27	36	4,4	2,8
халкоэпоксидлар	100	48	55	5,2	4,1
ТМТД	74	54	58	5,8	4,5
НСР 0,95	18	15	18	0,7	1,1

Лаборатория шароитида олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, CuproGK ва халкоэпоксидлар таъсирида буғдойнинг унувчанлиги назоратга нисбатан 20 – 40% га, ТМТД эса 14% га ошди. Айнан ушбу препаратлар қўлланилган вариантларда буғдой кўчатларининг илдизлари 58,8% ва 40% га узайди, уларнинг массаси – назоратга нисбатан 45% ва 12,5% ошди. Кейинги босқич кузатувларда эса ушбу вариантларда замбуруғларнинг ривожланиши кузатилмади. Бу кўрсаткичлар препаратлар таъсирида замбуруғнинг ривожланиши юзага келмаганлиги сабабли буғдой ниҳолларининг ривожланишида ижобий натижалар қайд қилинди (2-жадвал).

Буғдойда септориозининг ривожланишига комплексларнинг таъсири. Экишдан олдин буғдой донини препаратлар билан ишлов бериш ўсимликларнинг репродуктив жараёнларига, шунингдек, уларнинг патоген ва абиотик стресс омилларининг таъсирига нисбатан чидамлилигини ошишига сабаб бўлди.



2-расм. Препаратлар билан ишлов берилган буғдой баргларида септориоз билан касалланиш интенсивлиги

Буғдой ниҳолларининг септориозга чидамлилигини баргларининг зарарланиш кўрсаткичларига кўра баҳоланишини эътиборга олган ҳолда, қайд этиш мумкинки, CuproGK ва 2¹-бензилокси-3,4-пропилендиокси халконэпоксидлар (Iа-г, IIа-г, IIIа-б, IVа-б) билан ишлов берилган ўсимликларда касалланган баргларнинг сони камлиги кузатилди.

Баргларнинг септориоз билан зарарланиши 2¹-бензилокси -3,4-пропилендиокси халконэпоксидлар (Iа-г, IIа-г, IIIа-б, IVа-б) билан ишлов берилганда назоратга нисбатан 1,6÷1,9 марта, CuproTechGK ва CuproGK билан ишлов берилганда 8,8÷13,3 марта камлиги аниқланди (2-расм). Демак, ишлов бериш натижасида патоген тўқималарнинг ичкарисига кириши ва у ерда ривожланишига тўлиқ тўсқинлик қила олмайди, лекин ишлов бериш популяциядаги умумий инфекцион фоннинг камайишига олиб келади ва касалликнинг ривожланишини эпифитотийли характерининг олдини олади.

Glinbutни буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири. Комплекснинг фаоллигини аниқлаш ишлари маҳаллий “Дўстлик” навида олиб борилди. Glinbut комплексининг биологик фаоллиги препарат эритмаси буғдой дони экишдан олдин ишлов бериш ва вегетатив ривожланиш даврида пуркаш асосида аниқланди. Назоратда сувдан фойдаланилди. Бунинг учун буғдой экишдан олдин 1 тонна донига 20 литр сувда 10^{-8}М концентрацияли Glinbut эритмаси билан ишлов берилди.

3-жадвал

“Дўстлик” навли буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига Glinbutнинг таъсир кўрсаткичлари

Ишлатиладиган препаратлар	Ўсимлик баландлиги см.	Ниш миқдори дона.	Дон массаси (г.)	бошоқдаги донлар сони	1000 дон Массаси (г.)
	Тажриба вариантлари				
	(А) донларни экишдан олдин қайта ишлаш				
Назорат (H_2O)	93,5±0,3	1,9±1,1	1,6±0,5	23,7±1,4	40,3±1,6
Эпин (10^{-7}М)	98,2±0,1	2,6±0,6	2,0±0,7	27,8±1,3	46,2±1,8
Glinbut (10^{-8}М)	98,7±2,5	2,5±0,5	2,2±0,6	27,3±1,5	45,9±1,9
(Б) вегетатив даврида пуркаш					
Назорат (H_2O)	94,0±0,3	1,8±0,5	1,7±0,4	24,8±2,3	41,0±2,6
Эпин (10^{-7}М)	102,8±0,4	2,8±0,3	2,2±0,5	28,4±2,4	46,1±2,1

Glinbut (10^{-8}M)	102,5±0,5	2,9±0,5	2,2±0,5	29,4±1,3	45,8±1,8
(В) донларни экишдан олдин қайта ишлаш ва вегетатив даврда пуркаш					
Назорат (H_2O)	94,7±0,34	1,9±0,3	1,7±0,3	24,6±1,7	39,8±2,5
Эпин (10^{-7}M)	106,1±0,29	2,9±0,3	2,5±0,8	34,4±0,6	48,5±1,6
Glinbut (10^{-8}M)	105,8±1,03	3,1±0,4	2,6±0,8	34,8±0,4	48,3±3,4

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Glinbut юқори биологик фаолликка эга бўлиб, буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига стимулловчи таъсир кўрсатади ҳамда коммерциал препарат “Эпин”дан ижобий кўрсаткичлари билан фарқ қилди.

Тадқиқотлар давомида глицирризин кислотасининг фитогормонлар билан ҳосил қилинган қуйидаги ГК:ФГ (ИУК, НУК, ИМК, кинетин) супрамолекуляр комплексларини ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига, униб чиқиш-ривожланиш кўрсаткичларига таъсири тадқиқ қилинди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ўрганилган комплекслар буғдойнинг ўсиш ва ривожланишининг барча босқичларида стимуляторлик хоссаларини намаён қилиш билан бирга ташқи биотик омиллар таъсирига ниҳолларнинг чидамлилик кўрсаткичларини оширди.

4-жадвал

Дала шароитида ГК:ФГ (ИУК, НУК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларни буғдойнинг биологик белгиларига таъсири

Тажриба вариантлари	Ўсимлик баландлиги (мм)	**Маҳсулдор поя сони** (дона/м^2)	**Ўсимлик тупланиш сони** (дона)	**Бошоқ узунлиги** (мм)	**Бошоқдаги донлар сони** (дона)	**1 000 дона дон массаси** (г)
Назорат	924,6±5,4	463,8±6,8	3,4±1,2	85,7±3,4	32,5±3,8	38,8±7,4
ГК:ИУК (4:1) 100 мкМ	960,3±3,4**	476,3±4,6**	3,6±2,4**	106,5±4,4**	43,6±6,3**	42,8±6,7**
ГК:НУК (4:1) 100 мкМ	954,4±5,9**	471,3±4,9**	4,1±2,4**	103,4±4,7**	41,5±6,3**	40,5±6,7**
ГК:ИМК (5:1) 100 мкМ	946,5±6,2**	468,4±5,3**	3,8±2,7**	94,2±4,5**	34,2±4,4*	39,4±5,8**
ГК:Кинетин (4:1) 100 мкМ	932,2±6,6**	478,4±4,5**	3,7±1,8**	102,4±6,8**	42,7±5,2**	41,2±3,7**

Дала шароитларида ГК:ФГ (ИУК, НУК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларини буғдой навларининг унумдорлик кўрсаткичларига таъсир этиш қийматлари келтирилган (4-жадвал). Гарчи барча комплекслар таъсирида назоратга нисбатан юқори кўрсасткичлар қайд этилган бўлсада, глицирризин кислотасининг индолил мой кислотаси билан супрамолекуляр комплекси (ГК:ИМК) таъсирида юқори натижалар қайд қилинди.



3-расм. Дала шароитларида ГК:ФГ (ИУК, НУК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларини ўсимликларнинг миқдорини бир бирлик майдонга (дона/м^2) (А) ва "Краснодар" навли буғдойнинг ҳосилдорлигига (Б) таъсири А. Ордината ўқида –ўсимликларнинг миқдори (дона/м^2); Б. ордината ўқида - ҳосилдорлик (ц/га) (* - p<0,05; ** - p<0,01).

Бунда ҳосилдорлик кўрсаткичларида бошоқлар сони ва зичлигига кўра олинган бўлиб, бу кўрсаткич умуий ҳолда ўртача 58.5±2.6 ц/га (100%) ни ташкил этиб, ГК:ИУК (4:1), ГК:НУК (4:1), ГК:ИМК (5:1) ва ГК:Кинетин 100 мкМ концентрацияли эритмалари билан экишдан олдин буғдой дони ишлов берилганда назоратга нисбатан ҳосилдорлик кўрсаткичи 51,9% (88,9±3,7 ц/га); 35,4% (79,2±3,4 ц/га); 7,9% (63,1±4,5 ц/га) ва 43,9% (84,2±5,8 ц/га) ортади (3Б-расм).

Тадқиқотлар давомида лаборатория шаритида ГК:ФГ (ИУК, НУК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларнинг «С-4727» навли пахтанинг униб чиқиш кўрсаткичларига таъсири ҳам ўрганилди.

5-жадвал

Лаборатория шароитида ГК:Фитогормонлар (ИУК, НУК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексарини « С-4727 » (*Gossypium hirsutum* L.) чигитнинг униб чиқиш кўрсаткичларига таъсири (M±m)

Экспериментал вариантлар	**Поя узунлиги** (см)	**Илдиз узунлиги** (см)	**Униб чиққан ниҳоллар массаси** (г)	
			Нам ҳолатда	Қуруқ ҳолатда
Назорат	5,4±0,08	3,2±0,04	2,34±0,06	0,45±0,02
ГК (100 мкМ)	4,6±0,04	2,8±0,03	2,12±0,04	0,36±0,02
ИУК (100 мкМ)	7,3±0,05	4,7±0,02	4,25±0,05	0,54±0,03
ГК:ИУК (4:1), 100 мкМ	7,6±0,04	5,2±0,01	5,05±0,03	0,63±0,02
ГК:НУК (4:1), 100 мкМ	3,7±0,01	3,7±0,02	3,39±0,03	0,44±0,04
ГК:ИМК (5:1), 100 мкМ	5,5±0,02	3,3±0,04	3,48±0,06	0,37±0,03
ГК:Кинетин (4:1) 100 мкМ	7,2±0,01	5,1±0,02	4,08±0,04	0,55±0,02

Изоҳ: *- назоратга нисбатан статистик ишончлилик даражаси p<0,05, **-p<0,01 (n=3-4).

Олинган натижалардан кўриниб турибдики (5-жадвал), супрамолекуляр комплексларнинг ГК:ФГ (ИУК, НУК, ИМК ва кинетин) таъсирида ғўза поясининг узунлиги, илдиз узунлиги (см) ва умумий биомасса (г) назоратга нисбатан сезиларли даражада ортди. Тажрибаларда пахта чигитининг униб чиқиш даражаси назорат гуруҳида 10-суткада 82,4±3,4% ни, экспериментал шўрланиш шароитларида (NaCl=200 мМ) бу кўрсаткич 36,5±4,2%ни ташкил этди.

Экспериментал шўрланиш шароитларида (NaCl=200 мМ) аниқландики, супрамолекуляр комплексларнинг ГК:ФГ (ИУК, НУК, ИМК ва кинетин) (100 мкМ) инкубацияси шароитларида пахта чигитининг униб чиқиш даражаси 10-суткага бориб 74,1±5,6%; 56,8±2,4%; 63,2±3,5% ва 70,9±2,6% гача тикланди (4А расм).



4-расм. ГК:Фитогормонларнинг (ИУК, НУК, ИМК и кинетин) супрамолекуляр комплексларини экспериментал шўланиш шароитларида «С-4727» (*Gossypium hirsutum* L.) (Б) навли пахта нави чигитини униб чиқиш даражаси ва униб чиқиш энергиясига таъсири

А. Ордината ўқида – пахта чигитини униб чиқиш даражаси (%); Б. Ордината ўқида – униб чиқиш энергияси (%)(* - p<0,05; ** - p<0,01).

Шунингдек, назорат гуруҳидаги тажрибаларда пахта чигитининг униб чиқиш энергияси 7-кунга келиб 54,6±2,7% ни ташкил этди, экспериментал шўланиш шароитларида (NaCl=200 мМ) бу кўрсаткичнинг қиймати 21,8±2,6% га камайди ва бу шароитда ГК:ФГ (ИУК, НУК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплекслари инкубацияси таъсирида уларнинг мос равишда - 42,5±3,6%; 30±2,5%; 39,6±2,8% ва 28.3±3.7% тикланиши аниқланди (4Б-расм).

Диссертациянинг **“Буғдойнинг ўсиш-ривожланиши ва чидамлилик кўрсаткичларига препаратлар таъсирининг физиологик ва биокимёвий хусусиятлари”** номли тўртинчи бобида физиологик-биокимёвий кўрсаткичларга CuproTechGK, CuproGK ва Халконэпоксидлар препаратларининг таъсир этиш натижалари таҳлил қилинган.

Ўсимлик ниҳолларининг ўсиш-ривожланиш жараёнларининг жадаллиги улардаги фитогормонлар, жумладан, ИУК миқдори билан боғлиқ. Шу муносабат билан буғдой баргларидаги эркин ИУК баргларга 2,4-Д гербицид билан ишлов берилгандан 24 соат ўтгач аниқланди (6-жадвал).

6-жадвал

Кузги буғдой кўчатлари баргларида ИУК ва 2,4-Д миқдорига экзоген регуляторларнинг таъсири, мг/кг нам массага

Намуна	2,4-Д ишлов берилмаган ИУК	2,4-Д билн ишлов берилган ИУК	2,4-Д миқдори
Назорат	2,36	1,91	18,46
CuproTechGK	4,14	2,78	12,43
CuproGK	4,07	2,57	13,84
Халконэпоксид	3,86	3,09	9,62

НСР0,95	0,99	0,59	4,36

CuproGK ва Халконэпоксид доннинг униб чиқишини фаоллаштиради ва баргларда ИУК миқдорини назоратга нисбатан 63,8–75,4% га оширишга ёрдам беради. 2,4-Д гербицид билан ишлов берилганда, гербицид буғдой ниҳоллари ўсишни ингибирлайди, баргларда ИУК миқдорини назоратга нисбатан 19,1%га пасайтиради. CuproGK ва Халконэпоксидларни гербицид 2,4-Д билан биргаликда ишлатиш эса гербицидга нисбатан кўчатларнинг баргларида эркин ИУК миқдорини 34,6-61,8%га оширади. Бунда халконэпоксид таъсирида буғдой ниҳолларидаги гербицид миқдори парчаланиши ҳисобига камаяди. Бу препаратларнинг гербицидга нисбатан антидотлик хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ўрганиладиган антидотлар ниҳолардаги гербициднинг парчаланишини тезлаштиради, унинг синтетик жараёнларга бўлган заҳарли таъсирини камайтиради. CuproTechGK, CuproGK ва Халконэпоксидлар билан ишлов берилган баргларда ИУК миқдорининг кўп бўлиши, уларнинг кўп миқдорда сув ютиб олиши билан боғлиқ, чунки ИУК ҳужайраларга сув ва озуқа моддаларнинг келиш оқимини фаоллаштиради, уларнинг деворларини юмшатади, ўсиш жараёнларини тезлаштиради, кўчатларнинг бўйини чўзилишида ёрдам беради (5-расм).



5-расм. Буғдой ниҳолларидаги ИУК миқдорига омилларнинг таъсири улуши, %

Ўрганиладиган препаратлар ва Халконэпокисдларнинг кўчатлардаги оқсил миқдорига, РНК, ДНК, РНК/ДНКнинг умумий миқдори ва эркин аминокислоталарнинг йиғиндисига таъсир этиш натижалари 10 жадвалда келтирилган (7-жадвал).

Аниқланишича, 2,4-Д буғдой кўчати таркибидаги оқсил миқдорини синтез бўлишини ингибирлаши ҳисобига 2,36% га камайтиради, буни РНК/ДНК нисбати кўрсаткичининг 40,5%га камайишидан кўриш мумкин.

Кўчатлардаги эркин аминокислоталар йиғиндисининг оқсил миқдорига нисбатининг ошиши назоратдагига нисбатан 31,8%га ортиқ, бу гидролитик жараёнларнинг фаоллашишини кўрсатади. CuproGK ва Халконэпоксидлар кўчат баргларидаги оқсил миқдорини 0.62-0.72%га оширади, бунга оқсил синтезининг фаоллашиши сабаб бўлади, буни РНК/ДНК нисбатининг назоратга нисбатан 23,48%дан 48,78%га ошганлиги билан кўрсатиш мумкин.

7-жадвал

Кузги буғдой кўчатлари баргларидаги оқсил (мг/г), йиғинди РНК, ДНК ва эркин аминокислоталар йиғиндисининг миқдори (мг/кг)

Вариант	Оқсил	РНК мик-дори	ДНК	РНК/ДНК миқдори	Эркин аминокислоталар йиғиндиси	Эркин АК/оқсил
Назорат	21,9	4,22	1,29	3,28	3,19	0,15
Гербицид 2,4-Д	19,54	1,33	0,68	1,95	3,76	0,19
CuproGK	19,48	4,35	1,12	3,89	2,79	0,14
CuproTechGK	22,52	4,41	1,09	4,05	3,23	0,14
Халконэпоксид	22,62	5,13	1,05	4,88	2,85	0,13
CuproGK +2,4Д	20,56	3,23	1,15	2,81	3,67	0,18
CuproTechGK + 2,4-Д	24,32	3,09	1,04	2,97	3,49	0,14
Халконэпоксид +2,4-Д	23,89	3,24	1,12	2,89	3,58	0,15
НСР0,95	0,52	1,06	0,15	0,76	0,84	0,02

Гербицид билан бирга CuproTechGK, CuproGK ва Халконэпоксид препаратларининг қўлланилиши натижасида оқсил миқдори синтези 1,02-4,78%га, РНК/ДНК нисбати 44,1-52,3%га ортади. Эркин аминокислоталарнинг йиғиндисини оқсил миқдорига нисбати CuproTechGK, CuproGK ва Халконэпоксид вариантида гербицид та\сирида 36,8%, 10,7% ва 29,6% пасаяди, бу оқсилларни кўчатларда парчаланишининг интенсивлигининг пасайганини билдиради.

CuproTechGK регуляторларни буғдойнинг гормонал мослашувига таъсири. NaCl билан шўрланишида буғдой онтогенезида цитокининлар, ИУК ва АБК миқдорларининг ўзгариши, ўсиш темплари тадқиқ қилинди.

Олиб борилган тажрибалар: 1. Назорат; 2. 2% NaCl, 3. 2,5% NaCl, 4. 3% NaCl, 5. назорат + 6-БАП, 6. 2% NaCl + 6-БАП + CuproTechGK (0,5%), 7. 2,5% NaCl + 6-БАП + CuproTechGK (0,5%), 8. 3% NaCl + 6-БАП + CuproTechGK (0,5%), 9. Назорат + АБК, 10. 2% NaCl + АБК, 11. 2,5% NaCl + АБК, 12. 3% NaCl + АБК. NaCl тузи сувли буғдой ниҳолларига эритмалар кўринишида уч барг фазасида суғориш сувлари билан бирга юборилди. 6-БАП ($1x10^{-6}$ М) ва АБК ($1x10^{-6}$ М) билан CuproTechGK (0,5%) эритмалари комплекс ҳолда тажрибалар ўтказилаётган буғдой ниҳолларида – NaCl юборилганидан кейин кейинги куни пуркаш асосида таъсир эттирилди. Киритилаётган гормонлар ва NaCl концентрациялари танланган объектнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўрнатилди. Назоратдаги ниҳолларга сув пуркалди. Буғдойнинг онтогенетик ривожланиши давомида ўсиш жараёнларининг интенсивлиги (ўсимликлар органларининг массаси), эркин цитокининлар миқдори (зеатин), ауксинлар (ИУК), абсциз кислота ИФА усули ёрдамида аниқланди.

Онтогенезининг асосий фазаларида ўсимлик намуналари уч баргли фазасидан бошлаб 4-марталик биологик ва 3 марталик аналитик такрорланишда танлаб олинди.

